



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 4 май, сешанба № 73 (1706)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

Умумхалқ байрами - 9 май - Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек 1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 59 йиллиги, 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ва уруш қатнашчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Иккинчи жаҳон уруши ноғиронлари ва қатнашчиларига 18000 (ўн саккиз минг) сўм миқдорда бир йўла бериладиган пул мукофоти белгилансин.
2. Ушбу қарорни рўйбга чиқариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджетидан амалга оширилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати мазкур пул мукофотларининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласинлар.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлилари ўз қисми қисмини қўйиб, шунингдек 1941-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 59 йиллиги, 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ва уруш қатнашчиларини моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

Вазирлар Маҳкамасининг **Раиси** Тошкент шаҳри, 2004 йил 3 май **И.КАРИМОВ**

Истиқлол берган имкон

Қорақалпоғистон пахта саноатида янги технологиянинг жорий этилиши хомашёдан олинадиган тола миқдорини ва сифатини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, ходимларга қулай иш шартини таъминлаш имкониятини яратди.

ДИВИДЕНТ

нақд фойда

Завод мукамаллашган технологияга ўтгандан сўнг ишлаб чиқариш жараёни бир мунча тезлашди. Сифат эса яхшиланди. Янги жин машинаси ва толани тозалайдиган ускуналар ўрнатилди. Хавони мўтадиллаштириш, ортиқча чанг ва гард чиқилишини олдини олиш мақсадида вентиляторлар ўрнатилди.

Тайёр маҳсулотлар сақланадиган майдон кенгайтирилиб, усти махсус мосламалар билан ёпилди. Корхона замонавий технология асосида қайта таъмирлангандан сўнг электр энергияси сарфи камайди. Айни пайтда биргина энергия сарфидан оймага 2,5-3 миллион сўм маблаг тежалмоқда.

Тўрт юз нафарга яқин ишчи-хизматчи, инженер-техник ходим меҳнат қилаётган акционерлик жамиятими Оролбўйидаги йирик саноат корхоналаридан бири. Бу ерда қўлланилаётган янги технология дастлабки самараларини берди. Пахтадан 2 минг тоннадан ортиқ тола олиниб, ҳаммаси чет элга жўнатилди. Тола чиқиси 32 фоизни ташкил этди. 1 миллиард 300 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланиб, истеъмолчиларга юборилди.

Халқобод толаси жаҳон бозорига харидоригир. Швейцария давлатига минг тоннадан зиёд, Италия, Австрия ва Америка Қўшма Штатларининг хар бирига 200 тоннадан 400 тоннагача тола жўнатилди. Бундан ташқари, 2700 тонна чигит, 140 тонна линт, 180 тонна момик тайёрланди.

Бир кеча кундузда завод конвейерларида 40 тонна хомашё қайта ишланапти. Жин цехининг ишчиси «Шухрат» медали билан тақдирланган Умида Мамбетмуродова, пресслаш цехидан Мирзаали Жоналиев, той тикувчи Анорой Нодирова, пресслаш цехи ишчиси Қонисбой Сейтризаев каби илгорлар топшириқчи сикдидилдан адо этиб, бошқаларга ўрнак бўлишапти.

Токар Кувонч Абдуллаев, чилангар Одил Қозоқов, электр пайвандчи Муборак Уббинёзов сингари тажрибали мутахассислар мавжуд механизмларнинг тўла қувват билан ишлашини таъминлашапти.

Ходимлар учун барча қулайликлар яратилган. Хотин-қизлар гигиенаси ва дам олиш, ювчилик хоналари ишлаб турибди. Тажрибали шифокор Рая Жабборберганава ишчиларни тиббий куриқдан ўтказиб, соғлигини муҳофаза қилиш йўлида бутун билим ва маҳоратини аямайди. Қўлигул ошпаз Рисназар Пирназаров тайёрлаётган мазаги таомлар ҳаммага манзур бўляпти. Цехлар ва иш жойларида шартини яхшилаш учун 20 миллион 650 минг сўм, махсус кийим-кечаклар олиш учун 500 минг, бепул иссиқ овқати учун 3,1 миллион сўм сарфланди.

Корхонада 93 нафар аёллар меҳнат қилишапти. Касабақўм билан тузилган жамоа шартномасига асосан уларнинг 87 нафарига қўшимча таътил берилди. Д.Бекмирзаева, О.Ибрагимови каби қўп болали оналарга маъмурият томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Корхонанинг ёрдамчи хўжалигидан 20 тонна шол, кўп миқдорда савзот, полиз маҳсулотлари етиштирилиб, ходимларга тарқатилди. Олти киши мамлакатимиз шаҳарларидаги санаторийларда дам олиб, даволанди.

Утган йили тармоқдан 36 миллион 601 минг сўм соф фойда олинди. Акциядорларга 9 миллион 240 минг сўм дивидент тарқатилди. Бир сўз билан айтганда, ходимлар моддий манфаатдорлигининг ўсиши корхонада меҳнат унумдорлигини кўтариш ва маҳсулот сифатининг яхшилаш имконини бермоқда.

Т.ОЛЛОМБЕРГАНОВ,
Кегейли туманидаги
«Халқобод момиги»
хиссадорлик жамияти ишчиси,
«Дустлик» ордени соҳиби

ИШГА ИШТИЁҚ БИЛАН

Ишлаб чиқаришда меҳнатни муҳофаза қилиш, ишчиларга муайян шарт-шароитларни яратиб бериш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Шу боис Чирочқи туман пахта тозалаш очиқ турдаги хиссадорлик жамиятида ушбу масалага катта эътибор билан қаралмоқда.

Жумладан, корхонада ходимларни ишга қабул қилиш шартнома-лари асосида амалга оширилиб, уларни касби, мутахассислиги ва малака-сига мос келадиган иш билан таъминлаш жорий қилинган. Ходимни ишдан бўшатиш зарурияти туғилган пайтда бу жараён албатта касаба уюшма қўмитасининг розилиги билан амалга оширилади.

Ходимларга иш ҳақи бериш соатбай ва ишбай асосида бўлиб, дам олиш ва байрам кунлари ишлаганларга қўшимча тўловлар жорий қилинган.

Ишчи-хизматчиларнинг таътилга чиқши рехмаси йил бошида тузулиб, айрим ҳолларда тарафларнинг келишуви асосида бошқа муддатларга кўчирилиши мумкин.

Жамоада меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги борасида ҳам анчагина амалий ишлар қилинди. Ишлаб чиқариш бригадалари, нурчилар, кўриқлаш бўлимлари, чилангарлар бепул киши ва ёғни кийим-бош билан таъминланишган. Дорилар цехларидаги ишловчилар ҳам махсус кийим-бош, пойабзал, кўзойнак, маска ва респиратор каби зарурий ашёлардан фойдаланган ҳолда ишлашди. Цехларчи ёритиш, чанг, шовқин ва тебраниш бўйича қаттиқ назорат ўрнатилган.

Ходимлар соғлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилётган ижобий ишлар ҳам анчагина. Корхона ичида

Меҳнат муҳофазаси

фаолият юритаётган тиббий бўлим хизматидан ишчилар мамнун. Вилоят ҳудудида жойлашган «Қашқадарё соҳили», «Мингчир» санаторийларида корхона ҳисобидан ишчилар дам олиб, соғлиқларини тиклашмоқда.

Қайсики корхона ва ташкилотда ишловчи ходим ўз меҳнатида кўнгли тўлиб, қутилганида самарга эриша оلسа, ўша жойда, албатта, муваффақият бўлади.

Утган йили корхонада туман хўжалиқларидан 29 минг тонна пахта қабул қилинган бўлиб, шундан 9300 тонна тола, 15 минг 120 тонна чигит олинди. Даромад ҳам шунга яраша. Жамиятнинг кўзлаган режалари бунданда юқори. Шубҳасиз, ишчилар манфаатдорлиги ҳам ошади.

А.ШАЙҚУЛОВ,
Чирочқи туман пахта тозалаш очиқ турдаги хиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси

«Бахт-иқбол... ҳуқуқига эгаман» танловига



ВАТАН ОНА БЎЛИБ ҚЎЛЛАЙДИ СИЗНИ

Олтими ёшлардан ошган Мукаррамхон Абдуҷабборова биринчи марта болаларга совға-саломлар билан келганларида Сирдарё вилоятидаги 27-«Меҳрибонлик уйи» ходимлари опақонини бу ерга хайру-эхсон билан келиб кетадиганларнинг биттаси, деб ўйлашганди.

Сухбатдан маълум бўлдики, Мукаррамхон аянинг фермер хўжалиги бўлиб, олиб келган нарсалар ўш эрларидан олинган ҳосилдан экан. Бундан ташқари, онахон зардўзлик устаси бўлиб танилганлар. Ёшларни меҳнатга, қадимий ғўзал хўнарга ўргатиш учун бир неча йил олдин хонадонларига қизларни йиғиб зардўзликни ўргата бош-

лабдилар. Хозир у цехга айланиб, қўли гул усталар кўпайибди. Тайёрланаётган зардўзлик буюмларини чет элликлар сотиб олаётган экан.

Опақондан қизларимизга ҳам бу хўнарни ўргатишларини сўрадим, - дейди «Меҳрибонлик уйи» директори Дилбархон Мухиддинова.

Орадан кўп ўтмай, тўрақ ташкил қилиш учун керак

турди. Кенг, ёруғ, чинидай яраклаган ётоқхоналардаги жойлар мисоли меҳмон кутаётгандек ораста.

Ёш болалар бундай ўрин-жойларнинг қадрига етармиди, бундайроғиям бўлаверди, дейдиганлар ҳам бор. Лекин ўғил-қизлар ёш-ройли яшаган ўргансалар, кейинчалик ҳам шундай ҳаётга интиладилар, - дейди тарбиячи Шахло Сафарова.

Катта гуруҳдаги қизларнинг деврили ҳаммаси мустақил кийим тикишни билишди. Ўзларига, кичкина гуруҳдагиларга қўйлақ тикишди. Чунки қизларнинг ҳаммаси жуда ёшлардан бичиш-тиқиш тўғрисида катнашдилар. Гулчилик, тўқиш, пазандачилик тўғрисида ҳам уларни биринчи навбатда оливай ҳаётга, элли бека бўлишга тайёрлайди.

«Меҳрибонлик уйи»нинг тарбиячи Шайқулловнинг айтишича, бу ҳаётга тайёрлик бўлади. Биринчидан, ҳаракатдан тўхтатилган фермерларнинг қандай қилиб низоми бўлсин? Иккинчидан, ўша пайтдаги туман ҳокими Р.Сиддиқовга 1998 йил 25 сентябр куни хўжаликни тиклаш тўғрисидаги фермер хати нима учундир судьянинг назарига тушмаган. Ажабланишнинг, ажримда «Дехқон хўжалиги тўғрисида»-ги Қонуннинг фермерликни тугатишга доир моддаларига нега эътибор берилмаган? Ҳолбуки, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»-ги Қонуннинг 14-моддасида аниқ қилиб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига зид келган ҳолда, юқориор юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга рўйа қилиш алоҳида белгиланган. Бу амалдаги Қонун ҳужжатларини ўз «йўриғига» солиб фойдаланишга қирмайди?

Яна бир ҳолат. Давоғларлар вакили адвокат Отажон Умрзоқовга суднинг муносабати хусусида. 17-0203-1765-сонли ушбу иш жилдида О.Умрзоқовнинг адвокатлик фаолиятини тасдиқловчи лицензия - янада антиқасани эшитинг. Суддаги харажатларнинг рўқча қилиб бу шахс фермерлардан аввалга 250 минг сўм йиғиштириб олган. Жалқудук туман «Беҳшарам» маҳалласида яшовчи бу фирибгар 2002 йил 31 октябр куни 31 ноябргача қайтариш шар-

атрофи гулзор, экинзор, мезазор. Экинлар тагини юмшатиб юрган Ислон билан Наби ўз гуруҳлари учун ажратилган ерга гул, райхон, ловия, кунгабоқар экишганини айтишди.

Ўғил болалар дарсдан бўш пайтларида экинларга қарашибди, - деди тарбиячи Мухаммадхон Қўлдошев. - Бола-да, ўзларига қўйиб берсанг, кўпроқ тўп тепишни яхши қўришади. Аммо экин-тикин, рўзгор юмушларини урганлишлари керак.

Қувонарли ҳол: кейинги пайтда меҳру-муҳаббатга ташна бу болаларни тушунгувчи дўстлар кўпаймоқда. Расмий ҳужжатларда «хоний»лар деб қайд этилса-да, улар «Меҳрибонлик уйи»га моддий жиҳатдангина ёрдам бериб қолмай, болалар билан суҳбатлашадилар, Уларни қизиқтирган саволларга жавоб берадилар.

Сирдарё вилоят прокуратураси, ички ишлар бўлими - доимий ҳомийларимиз. Уларнинг вакиллари келтирилган руброидларни кўриб ҳавас қилардим, - дейди биз билан суҳбатда Ш.Жуманов. - Хом ашёни қиммат нархда харид қилиш иморатлар лойиҳа қийматининг ошишига олиб келади. Шермаат ака жамоа билан маслаҳатлашиб, имкониятларини чама-лаб аниқ бизнес режа тузди. Мутасадди ташкилотлар билан маслаҳатлашиб, етарли миқдорда сармоя тўпладилар ва ишга киришди.

«Интернет» орқали руброид ишлаб чиқарувчи корхоналар учун асбоб ускуналар сотадиган компаниялар билан алоқа боғлади. Россия давлатининг Санкт-Петербургдаги «Промстрой» акциядорлик жамияти билан ҳамкорлик шартномаси тузди. Керакли дастгоҳларни арзон нархда сотиб олди. Шундай қилиб, бир кеча-кундузда 1500 квадрат метрча руброид ишлаб чиқарадиган кичик корхона ву-жудга келди.

Кичик корхонанинг маҳсулотлари вилоят синов ва сертификатлаш марказининг кури-лаш материаллари лабораториясида куриқдан ўтказилганда, стандарт талабларига тўлиқ жавоб бериши маълум бўлди. Маҳсулот жуда паст хароратда ҳам сифатини йўқотмайди. Совуқ ва намгарчиликка чидамай. Синов на-тижаларига кўра, кичик корхона тайёрлаган маҳсулотга мувофиқлик сертификати берилди.

Мутахассисларнинг эътирофи этишича, корхона маҳсулотлари 25 йилгача чидайди. Шунинг учун ҳам кичик корхона руброидларининг буюртмачилари тобора кўпаймоқда. Эндиликда маҳсулотнинг кўп қисми қисмини вилоятларга ҳам етказиб бериляпти.

Собирхон РЎЗИМТОВ,
«Ишонч» муҳбири

Ибрат ИЗЛАНИШ ВА САМАРА

Тиниб-тинчмас тадбиркор Шермаат Жумановнинг изланишлари тўғрисида

«Ибрат» кичик корхонасининг маҳсулотларини нафақат Қашқадарё, балки қўшни Сурхондарё вилоятлари истеъмолчилари ҳам харид қилишапти.

Илгарилари хориждан келтирилган руброидларни кўриб ҳавас қилардим, - дейди биз билан суҳбатда Ш.Жуманов. - Хом ашёни қиммат нархда харид қилиш иморатлар лойиҳа қийматининг ошишига олиб келади.

Шермаат ака жамоа билан маслаҳатлашиб, имкониятларини чама-лаб аниқ бизнес режа тузди. Мутасадди ташкилотлар билан маслаҳатлашиб, етарли миқдорда сармоя тўпладилар ва ишга киришди.

«Интернет» орқали руброид ишлаб чиқарувчи корхоналар учун асбоб ускуналар сотадиган компаниялар билан алоқа боғлади. Россия давлатининг Санкт-Петербургдаги «Промстрой» акциядорлик жамияти билан ҳамкорлик шартномаси тузди. Керакли дастгоҳларни арзон нархда сотиб олди. Шундай қилиб, бир кеча-кундузда 1500 квадрат метрча руброид ишлаб чиқарадиган кичик корхона ву-жудга келди.

Кичик корхонанинг маҳсулотлари вилоят синов ва сертификатлаш марказининг кури-лаш материаллари лабораториясида куриқдан ўтказилганда, стандарт талабларига тўлиқ жавоб бериши маълум бўлди. Маҳсулот жуда паст хароратда ҳам сифатини йўқотмайди. Совуқ ва намгарчиликка чидамай. Синов на-тижаларига кўра, кичик корхона тайёрлаган маҳсулотга мувофиқлик сертификати берилди.

Мутахассисларнинг эътирофи этишича, корхона маҳсулотлари 25 йилгача чидайди. Шунинг учун ҳам кичик корхона руброидларининг буюртмачилари тобора кўпаймоқда. Эндиликда маҳсулотнинг кўп қисми қисмини вилоятларга ҳам етказиб бериляпти.

ЎЛКИН

ЎН ЙИЛЛИК БОШҚОТИРМА

ёки ҳимоячи ниқоби остида тадбиркорларни чув туширган адвокат хусусида

Одамлар ўзини кўрсатадиган замон келди. Фермер хўжалиқларини тузиш тўғрисидаги ҳукумат қарорлари ҳамма қатори кўрсатилган йулбарсов Зойтовни ҳам ғайрат отига миндирди. Хавасланиб, туман ҳокимлигида йўл олди. Иши ўнгидан келди. «Савай» саноат уюшмаси ҳудудидан 3 гектар ер ажратилиб, чорвачиликка йўналтирилган фермер хўжалиги тузилгани тўғрисидаги қарор кучга кирди.

Орузғица эришганидан бошга осмонга етган йулбарсов фермерликка суякли қизи «Нилуфар» номини берди. Тер тўққанларга дур тўқаман, дер экан ер. Хонадонга файзу-баракат ёғилди. 3 гектар ерга экилган қанд лавлагидан 12 тонна маҳсулот етиштирилди. Қанд лавлагиси Қозғистоннинг Жамбул шаҳридаги шакар заводида қайта ишланиб, ишчиларга сотилди. Пешона тери билан кўлга киритилган нон ширин бўлади. 300 минг 250 сўмлик мўмай даромад қилинди. Ана энди қозон ҳам, чўмич ҳам шой. Ўғли Зойтов олий-гоҳга шартнома асосида ўқий учун ҳам имкон туғилди.

Бели анча бақувватлашиб қолган йулбарсов фермерликни мустаҳкамлаш пайида бўлди. Бозордан 6 бош қорамол, от сотиб олди. Хонадонда тиркамаси билан трактор пайдо бўлди. 100 бошга мўлжалланган янги молхона куриб битказилди.

Йулбарсовнинг омади чопа бошлади. Саноат уюшмаси раҳбари билан фермерлик қанд лавлага уруғи етиштириш юзасидан лафз қилдилар. Чунки,

ўша 90-йилларнинг бошларида хозиргидек контрактация шартномаси йўли билан давлатга пахта ва галла сотиш давлат буюртмаси шаклланмаганди. Аслини олганда, бу оила бюджетини иқтисодий жиҳатдан бақувватлаштириб олиш юзасидан фермерларга яратилган имтиёз эди.

Қанд лавлага уруғини бозорга чиқариб сотишдан рўзгорга яхшигина кириш бўлди. Лекин қувонч узоққа чўзилмади. Уюшма мутасаддилари лавлага уруғи харид қилишдан бош тортадилар.

1995 йилга келиб деҳқончилик қилинаётган мавзуд 3 гектар ердан 17 тонна бугдой дони йиғиштириб олинди. Лекин бирор килोगрами уюшмага топширилмайди. Борича оила қазонига жамғарилади. Ҳаммаси шундан бошланди. Олмоқнинг бермоғи бор, дейдилар. Кишлоқдаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш таъминоти билан давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар қонун, мезъорий ҳужжатлар асосида ҳал этила бошланди. Мулкдорлардан ҳуқуқий билим, тажриба, ишбилармонлик талаб қилинади. «Фермер хўжалиги тўғри-

сида»-ги қонун кучга кирди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини амалга ошириш муддатлари ва чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 1999 йил 15 июлдаги 300-сонли қарори эълон қилинади.

Аксига олгандек, шу йили 2 гектарга экилган пахта майдонининг 45 сотихидаги ғўзалар беғона ўт ичида қисилиб ишлов беририлмаганидан, етарли озиклантирилмаганидан бузиб ташланади. 1 гектар ердаги маккажўхори экин ҳам нонор ахволда қолганди. Кизиги, бузиб экилган пахтазор амалдаги қонун талаблари асосида дахлдор идоралар вакиллари, мутахассислар иштирокида дололатлантирилмаган, ҳатто сугурта идораси томонидан қафолатлан-тирилмаганди. Тўғри, кейинчалик И.Зойтов дололатнома тузилган, фақат у юқоридаги тартибда эмас, қўшни фермерлар ёрдамида ёзма ғуволхонлирилган деб даъво қилади. Ҳўш, бундай дололатномани қонуний ҳужжат деб бўладими?!

Туман шаҳодат комиссияси «Нилуфар» фермер хўжалиги фаолиятидаги шў қаб ва бошқа нуқсонларни, хусусан, 3 йиллик ўртача ҳосилнинг пастлиги, бизнес режалари бажарилмаганилиги, айниқсқа ердан фойдаланишда қонунбузарликка йўл қўйилганилиги, ишбилармонлик талаб қилинади. «Фермер хўжалиги тўғри-

қарамай, на сут ва на гўшт ишлаб чиқарилмаганилигини қўшимча қиладиган бўлсақ, тафтишчиларнинг ҳақлиги аёнлашади.

Оқибатда, комиссиянинг тавсияси билан туман ҳокимлиги 1998 йил 16 сентябрда «Нилуфар» фермер хўжалигининг фаолиятини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди. Лекин қарор чиқаришда хиёб шошган эдилар. Аслида фермерлик юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан қичқарилиши, сўнгра суднинг ҳал қилувчи қарори билан ердан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши зарур эди. Чунки, фермернинг шаҳодат синовида ўтмаганилиги, унинг фаолиятини тўхтатишга асос бўлолмайдди.

Бирок, И.Зойтов ҳам оқ-қорани танитган, зотан индамай кетадиганлардан эмас эди. Унга қўшилиб бошқа фермер хўжалиқлари бошлуқлари О.Абдураҳмонов, Н.Юнусов, И.Жабборов, Т.Ризаевлар ҳам югурди.

Ниҳоят Андижон вилоят хўжалиқ суди, судья И.Долломов раислигида юқоридаги фермерларнинг даъво аризасини 2002 йил 5 ноябр куни қўриб чиқди. Судья фермерларнинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарорини ўзгартирсиз қолдириш ҳақида ажрим чиқарди. Биз ушбу қарорнинг тўғри еки нотўғрилигини муҳокама қилишдан йироқмиш. Фақат айрим фикрларни ўртага ташламоқчимиз. Ажримда фермерлар ўзларининг янги тахрирдаги низоомларини давлат рўйхатидан ўтказмаганиликлари, бу

Соғлиқни сақлаш Давлат дастури амалда

АМУДАРЁДА ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИ

Кейинги йилларда аҳоли саломатлигини яхшилаш давлат сисбати даражасига кўтарилиб, тизимда чўқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ислохотлардан кўзланган биринчи мақсад - мавжуд шифохоналарни жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва билимдон, малакали шифокор кадрлар билан таъминлашдир. Иккинчи йўналиш - аҳоли яшаш жойининг ўзида, яъни қишлоқ жойларида малакали тиббий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиб, аҳолининг оғирини енгил, узогини яқин қилишдир.


Туманимиз тиббиёт тизимида бу борада бир қанча хайрилик ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Тўлкин», Охунбоев, И.Урозов ва бошқалар «Маданият», «Уртақалба» қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилди ва қайта таъмирланди. «Ўзбекистон», «Қипчоқ» қишлоқ участка шифохоналарида таърибали ва малакали шифокорлар аҳоли саломатлиги йўлида самарали меҳнат қилишмоқда. 39 та жойда фельдшерлик-акушерлик пунктлари фаолият кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда туман соғлиқни сақлаш тизими ходимлари замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шароитда иш олиб бормоқдалар. Экологик шароитимиз ҳам меъёрдан анчагина паст даражада. Шунга қарамайдан ҳуқуқимизнинг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва ислох қилиш давлат дастурларини амалга ошириш учун туманда бир мунча ишлар қилинди. 2000 йилнинг биринчи июнидан бошлаб 15 бемор ўрнига мўлжалланган, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган - шошилди тиббий ёрдам бўлими ташкил қилинди ва юқори малакали тиббий ходимлар билан таъминланди. 2003 йил 1 июндан ушбу бўлим 30 ўринга кенгайтирилди. Айни кунда мазкур бўлим янги, замон талабларига мос жиҳозланган бинога кўчиб ўтиш арафасида. Миллионлар эвазига бунёд этилган янги бино 40

бемор ўрнига мўлжалланган. Ислохот талабларидан келиб чиққан ҳолда мавжуд 9 та ҚВП иссиқ, совуқ сув, канализация тармоқлари ва ички иситиш тизимлариغا эга. Айни кунда туманимиз шифо масканларида 383 нафар таърибали ва билимдон шифокорлар ҳамда 1334 нафар ўрта тиббиёт ходимлари халқимиз саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда. Улар орасида ўзларининг кўп йиллик самарали меҳнатлари билан эл-юрт хурматиға сазовор бўлаётган Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Абдулла Хўжаев, Саробий Олланазарова, Худойёр Шомуродов, Гулистон Балимова каби касбдошларимиз бор.

2003 йил июл ойидан бошлаб туманимизда Олмониянинг «Чегара билмас шифокорлар»нинг ДОТС дастури иш бошлади. Уларга Қипчоқ қишлоғида 60 ўринга мўлжалланган бинони таъмирлаб бердик. Кейинги йилларда оналар ва болалар саломатлигини асраш, ногирон туғилишларининг олдини олиш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширдиқ. 2004 йилнинг биринчи чорағида 815 нафар ҳомилдор аёллар ҳисобга олинди. Уларнинг барчаси терапевт кўригидан ўтказилди. Уларнинг кўпчилигида камқонлик касаллиги борлиги аниқланди. Қўридан чора-тадбирлар самараси ўлароқ оналар ва болалар ўлими, ногирон туғилиш ҳолатлари учрамади. Ниҳодан ўтаётганларни тиббий кўриқдан ўтказиб, зарур ҳолларда муолажалар олиб бораётганимиз ҳам яхши наф бермоқда.

Олимпой ХАЛИМОВ, Амударё тумани марказий шифохонаси бош шифокори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати



Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ислох қилиш, даволаш-профилактика муассасалари моддий базасини кучайтириш борасида кенг қамровдаги ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Учкўрғон туман марказий шифохонаси қарашли поликлиниканинг лаборатория бўлими яқинда энг сўнгги нусхадаги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Халқаро DOTS дастури асосида Германиядан келтирилган ушбу тиббий аппаратлар сил касаллигини аниқлаш, олдини олиш ва даволашда фойдаланишга мўлжалланган.

Суратларда: врач-лаборант Салтанат Сувонова иш жараёнида; лаборатория мудири Тохиржон Омонов ва поликлинкани бош шифокори Дилбар Назаровалар ташхис натижаларини таҳлил қилишмоқда. И.ХАСАНОВ олган суратлар.

ИСТИРОХАТ БОҒИ

Бухоро шаҳридаги «Пахтаой» болалар истироҳат боғи ўрнида аввалгисидан анча катта - етти гектарлик янги даш олиш масканини барпо этиш ишлари қизғин давом этмоқда. «Спорт ва соғломлаштириш» ҳиссадорлик жамияти деб атаётган мазкур боғнинг бир ярим миллиард сўмлик акциялари республика «Тошкент» фонд биржасида эркин сотувга қўйилди. Қимматли қоғозлар савдосидан тушадиган барча маблағ боғни замонавий аттракционлар билан жиҳозлашга сарфланади. «Тезорар поезд», автодаром, то-

моша халқаси, «Марс» аргимчоғи, савдо шохобчалари, қаҳвахона, болалар жойидиёти маркази ва интернет кафе бухороликларга манзур бўлиши шубҳасиз.

«БИЗНЕС-БАНК» ЭЛ ХИЗМАТИДА

Пойтахтимиздаги «Бизнес-банк» аҳоли учун янги хизмат турини жорий қилди - эндиликда пойтахтнинг турли бурчакларида жойлашган бешта чакана хизмат кўрсатиш марказларида коммунал тўловларни тўлаш мумкин. Тез орада бу марказларда барча йўналишлар бўйича самолёт чипталарини сотиб олиш, жарималар, бахт уйлари ва болалар боғчалари хизмат ҳақи, солиқларни тўлаш мумкин бўлади.

Аваллига банкнинг чакана хизмат кўрсатиш марказлари жисмоний шахслар ўртасида пул ўтказиш бўйича WESTERN UNION тизими орқали аҳолига хизмат кўрсатиш учунгина мўлжалланган эди. Бугунги кунда банк жисмоний шахсларнинг сўм ва валютадаги омонатлари, банк пул ўтказмалари, валютани олиб чиқиш учун рухсатнома бериш каби бир қанча хизмат турларини таклиф этмоқда.

Фазилатлар уларни «Меҳрибонлик уйи»га олиб кетишга қарор қилди.

(ЎЗА)

...Тун рутубатли эди. Онанинг ҳаёти кия устида турарди. Ниҳоят фарзанд дунёга келди. Лекин она тонгга яқин вафот этди. Эндигина туғилган чақалоқ етим қолди. унинг акиси Тоштемур ҳам...

Вақт ўтди, ота яна уйланди. Гўдақларнинг етимлиги энди билинди. Чунки ўғай она бағритош эди. Етимларни турткиламаган кунни бўлмади. Кечкурун оталари ишдан келгандагина болаларнинг бироз кўнглилари ёришарди. Аммо кунларнинг бирида ота ҳам тўсатдан қаза қилди.

Кузак. Йўл ёқасидаги цемент устида икки гўдак мўлтираб ўтирар, сочлари пахмайиб кўзлари киртайган, ранглари эса синиқиб кетган. Катта бир автобус уларга яқин жойдан ўтди. Унинг ичи тўла бола ўйнаб-қулиб, қўшиқ қўйлаб боришарди. Етимчалар оғир хўрсиниб, автобусдагиларга ҳавас билан қарашди. Шу пайт автобус тўхтади. Ундан ўрта ёшлардаги аёл тушиб уларга яқинлашди.

Кимнинг болаларисизлар? Тоштемур жавоб берди: - Отамиз ҳам, онамиз ҳам ўлган.

Хуллас, Тоштемур билан укаси шу даргоҳда улғайишди. Тоштемур ўқув юртидаги тахсил олган, «Меҳрибонлик уйи»га ишга келди. Бахтин ҳам шу ердан топди. Йиллар самарсиз ўтмади. Тиришқоқлиги, билимдонлиги, энг муҳими болалонлиги туфайли жамоада қадр топди. Эндиликда у шу гўшанинг раҳбари, 115 нафар боланинг меҳрибони, «Улар менинг болаларим, қанотларим» дейди меҳр туйғусидан тўқинлашиб Т.Сатторов. Унинг рафиқаси Зайнабхон эса шу ерда тиббиёт ҳамшираси. Яна 65 нафарлик жамоа улар билан камарбаста меҳнат қилишмоқда.

Бугунги кунда «Меҳрибон-шарт-шароит муҳайё этилган. Ажойиб бино зарур жиҳозлар билан таъминланган. Ўтоқхона, синфхона, ошхона, тиббиёт пункти, ҳамма-ҳаммаси ўз ўрнида. Шунингдек, «Меҳрибонлик уйи» ўз энгил автомашинаси ва автобусига эга. Ҳомийлар Китобдаги болалар бошқармаси жорий йилнинг 22 апрел кунини 4 та «Икарус» русумли автобус жўнатди. Болалар Шаҳрисабз шаҳри бўйлаб савҳат қилиб, бобокалонлари Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Уша

2004 йил - Меҳр ва мурувват йили

лик уйи» Қашқадарё вилоятидагина эмас, балки республикада намунали тарбия ва таълим ўчоқларидан бири. Бу ерда болалар учун барча

кунини Китоб тумани истироҳат боғи улар учун ишлади. Сайрдан сўнг байрам дастурхони ёзилди ва болаларга 1 миллион сўмдан зиёд совғалар

Ижтимоий ҳимоя БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР

Охунбоев номли қишлоқ фуқаролар йиғини Янгиариқ туманида иқтисодий жиҳатдан бақувват аҳоли пунктларидан ҳисобланади. Боиси, бу ерда саноат анча ривожланган, тадбиркорлар сафи кенгайиб борапти. Фуқаролар йиғинида 3 та умумтаълим мактаби, касб-ҳунар коллежи ва иқтидорли ўқувчилар лицейи, 3 та болалар боқчаси ҳамда битта қишлоқ врачлик пункти аҳоли учун хизмат қилмоқда. Савдо, маиший хизмат аҳоли йўлга қўйилган.

Қишлоқда умумий ҳисобда 20 дан ортиқ миллат вакилларидан иборат 8746 нафар фуқаро аҳил, иноқ яшашди. Меҳнат қилиш ёшидаги 4939 нафар фуқаронинг 860 нафари пенсионерлар, 127 нафари ногиронлардир.

Ўзбекистон Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлариға асосан ўзгалар парваршиға муҳтож яқка-ёлғиз ногиронлар рўйхатиға олинган. Уларға нафақат бирқитилган ижтимоий ходим ёки меҳр-шафқат ҳамшираси, балки бутун маҳалла, қишлоқнинг барча аҳолиси меҳрибонлик қилишади. Улар давлат томонидан ижтимоий ҳимоя сифатида берилётган 9 турдаги меъёрлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари қишлоқ аҳолиси ҳамда ҳусусий тадбиркорлар томонидан моддий ҳамда маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ишларға қишлоқ фуқаролар йиғини бош-қош бўлмоқда.

Ҳисобға олинган 941 нафар қария ва ногиронларнинг 325 нафари тиббий кўриқдан ўтказилди. Даволашиға муҳтож деб топилган 28 нафар фуқаро касалхоналарға ётқизилди. 8 нафар қария ва ногиронлар турли сихатгоҳларда саломатликларини тиклаб қайтдилар.

Байрам ва турли маданий тадбирларда ижтимоий ҳимояға муҳтож аҳоли ҳомийлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Қишлоқда амалга оширилётган хайри ишларда «Хоразм» ширкат ҳўжалиги бошқаруви бошқаларға ибрат бўлаёттир. Ҳўжалик тарихида инсонпарварлиги, савоветпешалиги билан ном қолдирган Ибодулла Иброҳимов, Одамбой Мадраҳимовлар изидан бориб, бошқару раиси Уринобў Жуманиёзов аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, иқтисодий кўтариш борасида бир қанча ишларни амалға оширмоқда. Шу йилнинг биринчи чорағида ҳўжалиқнинг «Қармиш» маҳалласида 2,5 километр узунликида ўрта босимли газ қувури янгиланди. Қишлоқ ҳудудида ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 6 та жойда артезиан қудуғи ишға туширилди. Байрамларда тадбирлар ўтказилиб, кам таъминланган оилалар қўллаб-қувватланмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорағида ҳўжалик ижтимоий ҳимоя учун 3 миллион 189,6 миң сўм сарфлади, 2 миллион 632 миң сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. 20 та кам таъминланган оилалар тадбиркорлар томонидан оталиққа олинди.

С.АВАЗОВ.

...ВА МЕҲНАТ НОНИНИ КЎРАМИЗ БАҲАМ

Фазилатлар уларни «Меҳрибонлик уйи»га олиб кетишга қарор қилди.

Хуллас, Тоштемур билан укаси шу даргоҳда улғайишди. Тоштемур ўқув юртидаги тахсил олган, «Меҳрибонлик уйи»га ишга келди. Бахтин ҳам шу ердан топди. Йиллар самарсиз ўтмади. Тиришқоқлиги, билимдонлиги, энг муҳими болалонлиги туфайли жамоада қадр топди. Эндиликда у шу гўшанинг раҳбари, 115 нафар боланинг меҳрибони, «Улар менинг болаларим, қанотларим» дейди меҳр туйғусидан тўқинлашиб Т.Сатторов. Унинг рафиқаси Зайнабхон эса шу ерда тиббиёт ҳамшираси. Яна 65 нафарлик жамоа улар билан камарбаста меҳнат қилишмоқда.

Бугунги кунда «Меҳрибон-шарт-шароит муҳайё этилган. Ажойиб бино зарур жиҳозлар билан таъминланган. Ўтоқхона, синфхона, ошхона, тиббиёт пункти, ҳамма-ҳаммаси ўз ўрнида. Шунингдек, «Меҳрибонлик уйи» ўз энгил автомашинаси ва автобусига эга. Ҳомийлар Китобдаги болалар бошқармаси жорий йилнинг 22 апрел кунини 4 та «Икарус» русумли автобус жўнатди. Болалар Шаҳрисабз шаҳри бўйлаб савҳат қилиб, бобокалонлари Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Уша

улашилди. Бундан ташқари, айрим фуқаролар ҳам ҳиммат кўрсатишмоқда. Нафақахўр Тошпулат Музаффаров ва Абдусамиҳож Тошпулатовлар болалар уйига маблағ ўтказиб туришади. Пойтахтимиздаги 30-«Меҳрибонлик уйи»да ҳам турли мила-латга мансуб 170 нафар болалар тарбияланмоқда. 74 нафар фидойи инсон улар атрофида парвона. Жамоанинг 32 нафарини педагог-дефектологлар ташкил этади. Ўтоқхона, синфхоналари таъмирланган. Ҳаммаёқ ораста. Дам олиш хонасининг ҳар бирига рангли телевизор, ме-бел ва бошқа жиҳозлар дид билан жойлаштирилган. Тувак-ларда гурираб ётган гуллар

Ш.ИСКАНДАРОВА, «Ишонч» мухбири

ҚЎШМА КОРХОНАГА СИФАТ БЕЛГИСИ

Чиноз туманидаги «Чиноз-Тўқимачи ЛТД» ўзбек-туркия қўшма корхонасида ҳозирги кунда 620 дан ошиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Бу ерда ишловчилар учун ижтимоий таъминот ва бошқа қатор масалалар ижроси олий стандартлар талабига мос келади. Айниқса, касабга ўқима кўмитасининг маъкеи катта. Яқинда мазкур қўшма корхона «Исо-2001» сифат белгисини олди. Бу ўзбек пахтасидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар дунё бозорида ўз харидорини янаям кўпайтирмоқда дегани.

Ю.ОЧИЛДИЕВ, «Ишонч» мухбири

Қарор ва ижро

Иқтисодий таназзулни бошдан кечирган корхоналар ҳам кўп. Аммо уларни молиявий бўҳронлардан олиб чиқиш омилилари ҳам йўқ эмас. Бу усул Сирдарёда тўла ўзини оқлатмоқда.

МУЛК ЭҒАСИНИ ТОПГАЧ

Юксалиш суръати 6 баробарга ошди

Вилоятда иқтисодий ночор корхоналар ишлари худудий бошқармаси давлат мулк кўмитаси паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг ўтган йили охирида 3 тасини, амалдаги йилнинг бошида эса 2 тасини тендер комиссиясида голиб чиққанларга текин берилишиға эришди. Мулк соҳиблари билан ҳар чорақда иқтисодий ҳолат ижроси бўйича мониторинг ўтказиш шартномасига ҳам имзо чекилди.

Таъкидлаш жоиз, 5 та корхонадан 4 таси фаолиятда ижобий ўзгаришлар аққол кўзға ташланяпти. Энг муҳими, одамларни ҳам яхши жалб этиш, иш шароити яратиш, ойлик маош тўлашда ижобий силжишлар бор. Жамоаларда ишчанлик мухити қарор топди. Қўллаб янги ходимларни ишға олиш имконияти туғилди. Сайхунбод кўчма механизациялашган жамланмаси ана шундай корхо-

2003 йил 26 августдаги қарори билан паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор

объектларни инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан тадбиркорларға танлов асосида текин берилиши ўз самарасини берапти, - дейди бошқарма бошлиғи Орақкул Мўминов. - Биз дахлдор идоралар билан ҳамкорликда мулкни ўз эгалари қўлиға топшириш чора-тадбирларини кўряпти. Бу масаланинг бир жиҳати. Иккинчи жиҳати агар тендерда голиб чиққан инвесторлар йил давомида зиммаларига олган мажбуриятларини бажара олишмаса, комиссия томонидан олди-соти шартномаси бекор қилиниб, корхона қайта сотувга қўйилади.

Хуллас илк натижалар салмоқли. Шу боис тендер голиблари давлатимиз имтиёзи мохитини англаб етиб, ўз жамоаси ютуқларини янада юксалтиришларига ишончимиз комил.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

Республика ҳукумати қарияларни, ногиронларни, муҳтожларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириб бормоқда. Шу туфайли бундай тоифадаги фуқароларнинг турмуш муаммолари ҳал этиляпти. Бу эса ўз самарасини бериб, улар руҳини кўтараёттир. Лекин ҳукуватимиз томонидан белгиланган имтиёзлар, тадбирлар айрим мансабдорларнинг айби билан тўлиқ рўёбга чиқмай қоляпти. Хатто уларнинг айримлари бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиб қолишға уринишмоқда. Порахўрлик, ахратилган маблағларни бошқа мақсадларға сарфлаш, ўзлаштириш, талон-тарож қилиш ҳолатлари шулар жумласидандир.

Самарқанд шаҳар собиқ Боғишамол тумани ижтимоий таъминот бўлимининг ходими М.Жалилова хизмат мавкеидан фойдаланиб, фуқаро А.Рязанцевга таъмағирлик қилган. Пенсия тайинлашға доир ҳужжатларни расмийлаштириб бериш эвазига 150 миң сўм пора олаётганда қўлга тушди. Пастдарғом туман ижтимоий таъминот бўлими ва почта шўбаси ходимларидан бир гуруҳи жиний тил бириктириб, 1999-2002 йиллар мобайнида давлат томонидан аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялаш учун ажратилган катта маблағни ўз мақсадлари йўлида ўзлаштиришган. Вилоятнинг Пахтачи, Нарпай, Иштихон туманлари почта шўбалари мутасаддиларни нафақахўрларнинг розилигини олмай пенсия пулларини коммунал тўловлар учун ўтказиб юборишган. Жомбой туман поч-

«Ишонч» фой этиди

Давлатимиз ёш авлод ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиб, болаларни 16 ёшға тўлганда оилаларға, 2 ёшға боласи бор оналарига, кам таъминланганларға нафақа берилишини белгилаб қўйган. Аммо ана шу соҳада ҳам муҳтожларнинг улушидан умидвор бўлган мутасаддилар бор экан. Фуқаро Х.Муратова Самарқанд шаҳар маданият бўлимида ишлай туриб, ҳужжатларни қал-

олаётганда ушланди. Муҳтож оилаларға нафақа тайинлашда қонунбузарликка йўл қўйиш ҳолатлари Самарқанд туманидаги «Наврўз», «Қозикўрғон», «Паст-Охалик», Боғишамол туманидаги М.Зоҳидов номли, Нарпай туманидаги «Ўзбекент» маҳалла-ларида ҳам мавжудлиги аниқланди. Айрим маҳалларда ҳужжатлар қонун талаби даражасида расмийлаштирилмаганлиги, ёки зарур ҳужжатлар тўлиқ талаб қилиб олинмаганлиги маълум бўлди. Тегишли идораларға бундай камчиликларни бартараф этиш бўйича тақдиминомалар киритилди.

Каровечисиз қолган, ногирон, хаста фуқароларға ғамхўрлик кўрсатилиб, улар меҳр-мурувват уйларида давлат қарамоғида ашмоқдалар. Афсуски, меҳр-мурувват уйларининг нопок мутасадди ходимлари ана шу ўта ёрдамға муҳтож, ногирон кишиларнинг улушиға чанг солишмоқда. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги руҳий хаста аёлларнинг «Мурувват уйи» омбор мудири кўп микдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини талон-тарож қилган. Шаҳардаги «Саховат» уйида эса дори-дармон воситалари ўзлаштирилишиға, муда-дати ўтиб яроқсиз ҳолға келишиға йўл қўйилган. Беморларға озиқ-овқатлар меъёрдагидан анча кам берилиши ҳоллари аниқланди. Текширувлар натижаси бўйича айбдорларға нисбатан чоралари кўрилди.

Ш.МУСТАФОВ, Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим прокурори, Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири

ТАЛОН-ТАРОЖ қўллаб-қувватлашға муҳтож қатлам ҳақиға кўз олайтирганлар

ланарлидир. Қўшработ туманида 5 нафар яқка-ёлғизларға 2003 йилда 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари умуман берилмаган. Прокуратура томонидан киритилган тақдиминомаға кўра туман таъминот бўлимининг ижтимоий ёрдами шакллантириш шўбаси ходимлари У.Маҳмудов, Т.Йўлдошев, И.Рустамов, К.Ризақулловлар эгаллаб турган лавозимидан озад қилинди. Оқдарё туманида 12 нафар яқка-ёлғизларға тегишли 9 турдаги 29 миң 230 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари талон-тарож қилинган. Бундай салбий ҳолатлар Жомбой, Темирийўл, Ур-гўт туманларида ҳам учраб турибди. Хатто протез-ортопедия воситалари билан ногиронларни таъминламаслик ҳолатлари мавжудлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

бакилаштириб, «Қайнама» маҳалласи орқали нафақа сифатида давлатнинг 165 миң сўмини ўзлаштиришға эришган. Худди шу каби усулни қўллаган нарпайлик О.Эргашев 55 миң сўм, пастдарғомлик У.Шодиева 146 миң сўм давлат пулини ўзлаштириган. Қўшработ тумани «Шовша» маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Шақаров шу худуддан кўчиб кетган фуқаролар номиға қалбаки ҳужжат расмийлаштириб, 618 миң сўм давлат маблағини талон-тарож қилган. Шу маҳалла фуқароси З.Ҳамроеваға сохта ҳужжатлар орқали 61 миң сўм нафақа пулни ноқонуний бериб юборган. Нарпай туманидаги «Кўкота» маҳалла фуқаролар йиғини котиби М.Маликов муҳтож фуқаро Н.Убайдуллаеваға нафақа тайинлаш учун 25 миң сўм пора

ВАТАН ОНА БЎЛИБ ҚЎЛЛАЙДИ СИЗНИ

(Боши 1-бетда)

— Авваллари кўпчилик ташкилотлар, айрим одамлар бу ерга келиб тарбияланувчиларга ош қилиб беришга одатланишганди, — дейди яна Дилбархон Муҳиддинова. — Лекин ҳозир болаларнинг еб-ичишдан камчиликлари йўқлигини ўз қўзлари билан кўришди, тушунишди. Энди биз билан бамаслаҳат ўғил-қизларнинг тарбияси, соғлом оловгайиши, маънавий шарафига ёрдам берадиган шарафдор яратишга ҳисса қўшаётганлар.

Масалан, «Сирдарёсавадо» масъулияти чекланган жамият ҳисобимизга ўтказган 1 миллион сўмга замонавий спорт инвентарлари сотиб ола боладилар.

Меҳру мурувват, сароватнинг катта-кичиги бўлмайди. Болалар ўз оталаридек яхши қўриб қолган Анвархон Аюпов ўз ихтиёри билан келиб, уларга этиқдўзликни ўргатапти. Унинг бошчилигида ҳунар эгаллаётган болалар айна дамба ўзларига, ёш укаларига поабзал тикиб бераётганлар.

Бу даргоҳда 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўғил-қизлар таълим-тарбия оладилар. Ҳўш, ундан кейин-чи? Уй-жой, оиласи болаларнинг борар жойи тайин. Бундай имконияти бўлмаганлар нима

қиладилар?

— Бизга битирувчиларимизнинг ўша, ўқишга жойлашишида, яшаш жойлари бўйича муаммо туғилса, уни ҳал қилиш учун масъул ташкилотларга расман мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган яхши бўлди, — деди директор. — Яқинда Дима исмли собиқ тарбияланувчимиз келиб, бир-икки кун шу ерда яшади. Сабаби — у Сайхунободдаги коллежини битириб, ишга жойлашолмаётган экан. Гулистон шаҳар Меҳнат биржаси орқали «Алтай сервис» корпорациясига мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди. Ташкилот ётоқхонасидан унга алоҳида хона ажратиб беришди. Ота-она меҳрини, ғамхўрлигини кўрмаган болаларга бу даргоҳ тарбиячилари, масъуллари ота-онадек бўлиб қолишган.

Тарбияланувчиларнинг ҳаммаси қўшиқ, рақс, тасвирий санъатни яхши кўришади. Мен борган кун ҳам бир қувончнинг нишонлашга тайёргарлик кўришаётган экан. Республика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Бадий Академияси, Миср Араб республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорликда ўтказибатган анъанавий «Камалак жилоси» танловидан бу йил Диченко Иван II даражали, Максим Шамин III даражали Диплом олишибди. Соғлом болаларга берилган

муқофотлар — магнитофонларни тантанали топиришга ҳозирлик қўришаётган экан.

«Болаларимизнинг барчаси иқтидорли. Мактабда фақат «яхши» ва «аъло» баҳога ўқишади. Рус тилига мансуб ўғил-қизлар учун махсус синф ташкил қилдикларимиз. Лекин каранг, улар ўзбек тилида ҳам бурро гапирядилар. Ҳали кўрасиз улар келажакда билимли, ҳунарли, соғлом, маданиятли, маънавиятли шундай инсонлар бўлиб етишсинларки!» — директорнинг муҳаббати илоҳ билан айтган гаплари қўлғимизда жаранглаб қолди.

Ха, овоз Ватан, болажон халқ ўз дилбандларидан бирортасини ёнғизлатиб, ўқитиб қўймайди.

— Мен келажакда ҳарбий соҳа эгаси бўлиб, юртимизни қўриқлашни истайман!

Бу ердagi болаларнинг жуда кўпининг орузи Ватан қўриқчиси, посбони бўлиш. Зеро, улар «она-Ватан» иборасини ўз ёшларига нисбатан теранроқ, чуқурроқ англайдилар, хис қиладилар. Оруз-интилишлар улар юрт истикболи билан муштарак.

Мухтарама УЛУФ, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими

Касаба уюшма ва маъмурият ҳамкорлиги

Бошқармада таълим тизимини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асоси бўлган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Қарорлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган муҳим йўналишларни амалга ошириш билан бир қаторда тармоқ ходимларини ижтимоий ҳимоялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада касаба уюшмалари билан ўзаро ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилганлиги ижобий самара бермоқда.

Вилоятимизда бошланғич, туман, шаҳар касаба уюшма ташкилотларининг фаолияти учун Қонун талаблари асосида барча шароитлар яратилган. Улар учун бино ва жиҳозлар, алоқа воситаларидан бепул фойдаланиш йўлга қўйилган.

Бошқарма ва вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган келишувда педагог ходимлар манфаати чуқурроқ қамраб олинган. Икки марта бошқарма ва тармоқ касаба уюшма қўмитаси Раёсатининг қўшма кенгайтирилган йиғилишларида келишувнинг бажарилиши муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинмоқда.

Кейинги йилларда мактаблар-

СЎЛИМ МАСКАНЛАР ўқитувчиларга мунтазир

да тadbиркорликдан ишлаб топилётган маблағларнинг 30 фоизидан ортиқ қисми ходимларни ижтимоий ҳимоясига йўналтириляпти. Маънавий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишлари ҳам ўзаро ҳамжиҳатликда амалга ошириляпти. Жумладан, «Йил ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси» каби кўрик-танловлар, турли байрам ва тантаналарга бағишланган тadbирлар қизгин ўтказилмоқда.

Фан олимпиадаларининг вилоят

ва республика босқичларида фаол иштирок этган ўқувчилар ва ўқитувчиларни рағбатлантириш ҳам яхши йўлга қўйилган. Жорий йил ушбу йўналишда вилоятимиз ўқувчилари умумий ҳисобда фахрли II ўринни эгаллади.

Вилоят педагог ходимларни қай-

ишларни амалга оширяпти. Айни қунларда Воёкент туман халқ таълими бўлимига қарашли «Зарафшон» шаҳарорти ороғидада мавсумга тайёргарлик ишлари ниҳоятга етказилди. Бу ерда тармоқ ходимларнинг 300 нафар фарзанди дам олади. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини соғломлаштириш бюджетдан ташқари топилаётган даромадлар ҳисобидан бўлади.

Сўнгги йилларда оталиқ ташкилотлар томонидан аълочи ва ишқор ўқувчилар учун 1760 та стипендия жорий қилинди. Шундан 100 нафари таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаларининг стипендиатларидир.

Бундан ташқари, касаба уюшмалари томонидан кам таъминланган ходимлар фарзандларига 3,5 миллион сўмлик дарсликлар олиб берилди.

Р.ШУКУРОВ,
Бухоро вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи

Ҳуқуқий тарбия

ЎСМИР ЙЎЛДАН АДАШСА...

Бола тарбияси оила ва мактабда шаклланади. Оилавий муҳитнинг бузилиши туфайли айрим ҳолларда фарзандлар тарбияси унутиб қўйилади. Эътиборсизлик натижасида ҳали воёга етмаган болалар ичкиликбозлик, гийҳванликка ружу қўяди ёки енгил-елпи ҳаёт кечириб йўлдан боради.

1986 йилда туғилган, воёга етмаган Илхом Тожиёв ўзининг жиний шериклари Алишер Курбанов ва Шахзод Холлиқовлар билан ўғирликка қўл уришди. Улар «Нишон» жамоа ширкат ҳўжалиги 3-фермасида яшовчи Эркабой Хидировнинг 3 бош сигири ва бир бош бузоғини, «Самарқанд» деҳқон-фермерлар уюшмасида истикомат қилувчи Бахтиёр Эргашевнинг бир бош говишини ўғирлаб, болорда пуллашган. Хали болорда остонасидан ўтмаган ўсмирларнинг қилмиши фож этилиб, жиноятига яраша жазоланди.

Бола тарбияси оила ва мактабда шаклланади. Оилавий муҳитнинг бузилиши туфайли айрим ҳолларда фарзандлар тарбияси унутиб қўйилади. Эътиборсизлик натижасида ҳали воёга етмаган болалар ичкиликбозлик, гийҳванликка ружу қўяди ёки енгил-елпи ҳаёт кечириб йўлдан боради.

1986 йилда туғилган, воёга етмаган Илхом Тожиёв ўзининг жиний шериклари Алишер Курбанов ва Шахзод Холлиқовлар билан ўғирликка қўл уришди. Улар «Нишон» жамоа ширкат ҳўжалиги 3-фермасида яшовчи Эркабой Хидировнинг 3 бош сигири ва бир бош бузоғини, «Самарқанд» деҳқон-фермерлар уюшмасида истикомат қилувчи Бахтиёр Эргашевнинг бир бош говишини ўғирлаб, болорда остонасидан ўтмаган ўсмирларнинг қилмиши фож этилиб, жиноятига яраша жазоланди.

ҳисобчиси Н.Йўлдошев ва «Нишон» хусусий фирмаси бошлиғи Х.Куллиевлар жиний тил бириктириб, таълим масканини таъмирлаш учун ажратилган 1 миллион 694 миң 869 сўм миқдоридиғи маблағни ўзлаштирилганлар.

«Қашқадарё 70 йиллиги» умумтаълим мактаби директори Қудрат Бурбаев ҳодимларга иш ҳақи учун ажратилган 1 миллион 280 миң сўм пулни ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан ўзлаштирилганлиги маълум бўлди.

Мавжуд муаммоларни ҳал этиш чоралари қўриляпти. Янги Нишон шаҳридаги Беруний номи мактаб-интернат, Ҷўли Бегимқулов номи фермерлар уюшмасидаги Фафур Фулом, У.Юсупов номи ҳўжаликлардаги У.Юсупов номи мактаблар қурилишини ниҳоятга етказиш дастури ишлаб чиқилди.

Мактаблар ва болалар боғчаларини капитал таъмирлаш, дарсликлар, ўқув қуроллари билан таъминлаш, спорт майдончалари қуриш ва жиҳозлаш, кутубхоналар фаолиятини яхшилаш чора-тadbирлари амалга ошириляпти.

Ўсмирлар тарбияси — ҳаммаининг иши. Шу боис бу ишда оила, маҳалла ва кишлоқ фуқаролар йиғинлари, «Камолот» ёшлар ҳаракати, ҳуқуқ-тартибот идоралари, кенг жамоатчилик ҳамкорлида ҳаракат қилиши керак бўлади.

Отбек САЙМОВ,
Нишон тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси

ЯНГИ УЮШМА

Бухорода «Аёл деҳқон ва фермер ҳўжалиги» нодавлат ношароат уюшмаси ташкил қилинди. Бундай уюшма нафақат вилоятда, балки республикада ҳали мавжуд эмас эди.

— Уюшма «Винрок Интернейшнл» дастури доирасида АҚШ Халқаро ривожланиш агентлиги — ЮСАИД кўмағида тузилди, — деди нодавлат ношароат уюшма раиси Инобат Рустамова «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Асосий мақсадимиз кишлоқ жойларда янги иш ўринларини ташкил қилиш, семинар-тренинглар ўтказиш, ўзининг фермер ёки деҳқон ҳўжалигини очини истаган хотин-қизларга зарур ҳужжатларни тўллашда кўмаклашишдан иборат.

Шунингдек, мазкур уюшма аёл фермерларга бизнес-режалар тузишда, тижорат банкларида кредит олишда, ёқилғи-мойлаш материалларини, кишлоқ ҳўжалиги техникасини, минерал ўғитларни олишда ёрдам беради. Ҳозирда ноқ АҚШ ҳамда исроиллик ҳамкасблар билан тажриба алмашинув хусусида шартномалар тузилган.

ҲАР ҚАНЧА ЭЪЗОЗГА ЛОЙИҚ

Бухоро шаҳар «Нуроний» жамоат жамғармаси жорий йилнинг уч ойида Иккинчи жаҳон урушининг 60 нафар фахрийсига умумий қиймати 150 миң сўмга тенг бўлган моддий ёрдам кўрсатди.

— Афсуски, йилдан-йилга Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари сонини камайиб бормоқда, — деди жамғарманинг Бухоро шаҳар бўлими раиси Ориф Ҳўжаев «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Бугунги кунда шаҳримизда улар 285 нафар кишини ташкил қилади, улардан 108 нафари — биринчи гуруҳ, 82 нафари иккинчи гуруҳ ноғиронлари, 200 нафардан ортиқроғи эса меҳнат fronti катнашчиларидир. Жамғармаимиз нафақат биз учун муқаддас саналган байрам — Хотира ва қадрлаш кунини, балки йил давомида турли хил тadbирларни уюштирмоқда. Уруш катнашчиларининг бизга келиб тушган ҳар бир илтимос ёки аризаси ҳамиша диққатимиз марказида. Уларни ҳал қилишга биз шаҳар ҳўкимлиги мутасаддиларини, ширкат ҳўжаликларини, маҳалла фуқаролар йиғинларини жалб қилмоқдамиз.



Суратларда: касабақўми иш юритувчиси Д.Толпова; таълим ва фан ходимлари Фаргона вилояти касаба уюшма қўмитаси раиси Д.Ҳайдаров ва институт касабақўми раиси Н.Салимов. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

УЗМА КЎНГИЛ ТОРИНИ БОҒЛАШ ҚИЙИН

Бир кадрдонимнинг ўғли ши-фохонадан тузалиб чиққанини эшитиб, кўргани бордим. Бемор дундалик зўридан анча ўзини олдириб қўйгани рангирўйидан ҳам шундоқ кўриниб турарди. Суҳбат орасида оғайним ниҳоят ёрилди:

— Худо бор экан, ошна, ўғлимни қайтариб берди, — дея ўзини тутиб туролмади, хоргин ва кўзларига ҳалқа-ҳалқа ёш қалқиди. — Бир дилозорни деб, сал қолди нариги дунёга жўнаб қолишга?... Кўнгли ойнасини синдириш осон, лекин уни бутлаш-чи? Шу ҳақда ўша бошлиқ жиндак бўлса-да, ўйлаб кўрдимки, агар ўйлаганда оғзини бепарда қилмай, қўпол муомала қилмасди. Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир дейди, машойиҳлар. Севдирадиган ҳам тил, бездирадиган ҳам тил. Дардингни олай, дейдиганлар қаёқда-ю, дардингга-дард қўшадиганлар қаёқда? Сўз қудратини энди тушуниб етдим.

Таниқли жарроҳ, профессор Ф.Углов юқоридагидек фавқуллода бир воқеанинг гувоҳи бўлган. Қунлардан бир кун у Н. исмли беморни қабул қилибди. У заводда муҳандис бўлиб ишлаган. Йиғилишларнинг бирида корхона директори уни қаттиқ ҳақорат қилтирди. У шундан кейин инфаркт миқдорид дардига чалинибди.

Атрофлича мулоҳаза юритадиган бўлсак, масъул ходим ўзи. у? У қандай бўлиши, жамоада ўзини қандай тула биллиши лозим? Унинг мезонли борми?, деган ҳаётий саволларга жавоб ахтариб кўрайлик-чи.

ХУШФЕЪЛЛИККА НИМА ЕТСИН!

Инсон кўнгли гоят нозик. Бир оғиз ширин сўз кўнглини тоғдек кўтарди!...

... Муассасанинг янги бошлиғи биринчи иш кунини «ғалати» бошлади: ёнига бирикки фаолини олдида нафақада ётган собиқ касбдошлари уйлариини айланиб чиқди, бу кейинчалик оддий тусга кирди, сўнг бола-чақаси кўп оилалар рўйхатиға кўз ташлади, кимнинг ичида айтолмаётган гаплари бор, тортинмай айтаверсин, деб бир-бир ўрганди, «йўл ҳақи», «картошка пули» қандай... Хуллас, нима қилса жамоа оғирини енгил қилиш мумкин, ҳаётнинг майда-чуйда, икир-чикирига ҳеч нарса эътиборидан четда қолмади. Режа кетидан режалар тузар, ҳузур-ҳаловатини йўқотса-да жонажон жамоасига асқотса-ди, оғзидан ширин қаломни тушмади, қабулхона эшиғи йанг очик, навбат кутувчилар йўқ, истаган вақтда кириб-чиқиниш мумкин. «Бу даргоҳдан ҳеч кимнинг кўнгли ранжиб кетмасин», деб уч-тўрт жойга ёзди-лар ҳам қўйди. Одамлар кўксига шамол тегиб, жамоа юксалиш томон ўз тутди.

Ана сизга ишбилармон, меҳрибон, камтарин, ташкилотчи бир раҳбарга хос фазилатлар!

Халқимиз «Бугдой нонинг бўлмаса ҳам, бугдой сўзинг бўлсин», — деб бейиз айтмаган.

Бироқ афсуски, амалини, маъқени пеш қилиб, камтарлик чегарасини босиб ўтиб,

Воқеа аслида бундай бўлган экан. Ҳеч кимни назар-писанд қилмай, хоҳласа ходимларининг саломига алик олай, хоҳламаса йўқ, қишин-ёзин елкасига оқ халатни ташлаб, олиф-тагарчилик қилиб юрадиган бир шифо масканининг ҳавойи бош шишфокори эрталбаки жафокаси бўлган ходимини кўпчилик ўртасида ер билан битта қилиб, қаттиқ ҳақоратлайди. Шу ернинг ўзидаёқ, уни тўппа-тўғри реанимацияга олиб кетишибди. Шоир айтганидек:

БУ ҚАЙТАР ДУНЁ

Эътибор беринг-а, ушбу воқеанинг давоми жуда қизиқ!.. Орадан кўп йиллар ўтга, ўша профессор ҳузурига яна мазкур корхонадан инфаркт миокард билан оғирган беморни олиб келишибди. Профессорни хайратга солган нарса шунки, йирик лабораториянинг раҳбари даражасигача кўтарилган ўша муҳандис Н.нинг ўзи халиги беморнинг орак дардига чалинишига бош сабабчи бўлган экан.

Каранг-а, бу қайтар дунё не не гаюрий-Ҳато ажойиботларга тўла!... Ха, кечаги кунини тезда унутадиган, амал деса ўзини томдан ташлайдиганлар, минг афсуски, ҳамон учраб туради.

Ширинсўханлик, хушфеъллик қаёқда-ю, кўполлик, кўрслик, дилозорлик қаёқда? Яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам бир оғиздан чиқади. Ахир буюк алломаним Ибн Сино беморларни энг аввало, ширин сўз ва яхши муомала билан муолажа қилишни бежиз тавсия этмаган-ку!... Касбига садоқат билан хизмат қилишга қасамд қилган ўша бош шишфокор наҳотики ана шу оддий ҳақиқатни унутган бўлса?!

Яхши гап билан ҳатто илон инидан чиқаркан!

Носир Хисравнинг ушбу икки дунда ўкиб кўрганмикан?!

Иртинч бурн, гар ўлиғга лойиқ Ситангар ундан ёмон, ҳалойиқ!

Пилла дарз кетса бир вақт топилар
Бирор чегачига муҳтож топилар,
Аммо дилга шикоят етгудек бўлса
Унда на даво-ю илоҳ топилар...

Гиппократ қасамини ичган саломатлик посбонини, шундай муомала қилиб тургандан кейин бошқа касб эгаларидан яна ниманиям кутш мумкин? Ана шу ходимнинг бош миёсидеа содир бўлган жараён асаб орқали унинг юрағида ўз аксини топганди. «ўйламай сўзлаган, оғримай...» деб бекорга айтишмаган, бундайлар ўзлари ўлмайдилар, бошқаларни ўлмоқдан бери келтиришлари аниқ!...

ДОН ЭКСПОРТГА

Сайхунобод туманидаги «Оқолтин Дон» хиссадорлик жамияти ўз маҳсулотларини четга экспорт қила бошлади. Шартномага асосан, 25 миң тонна сифатли бугдой Украина, Россия, Белоруссия, Озарбайжон ҳамда Козогистон давлатларига жўнатиладиган бўлади.

— Мамлакатимиз галла мустиқиллиғига эришгандан сўнг, бизнинг имкониятлар янада кенгайди, — дейди «Сирдарё-донмаҳсулотлари» уюшмасининг экспорт масалалари бўйича масъул ходими Бахриддин Дўстмуродов. — Ҳозирга қадар 7,5 миң тонна сара дон буюртмачиларга етказиб берилди ва унинг сифати мутахассислар томонидан доимий назорат қилиб борилмоқда.

Д.ЖОЗИЛОВ,
«Ишонч» муҳбири

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ! Ҳурматли ишбилармон ва тadbиркор жаноблар!

Давлат мулк қўмитаси томонидан республика Кўчмас мулк биржаси тизимининг душанба, чоршанба, жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлаштирилган электрон биржа савдоларига қуйидаги объектлар қўйилаётганини маълум қиламиз:

1. Фаргона вилояти Бешарик тумани Бешарик шаҳрида жойлашган 11 сонли автомобильга ёниғи қуйиш шохобчаси (11-АЕҚШ).
2. Қашқадарё вилояти Касби туманида жойлашган 15 сонли автомобилларга ёниғи қуйиш шохобчаси.
3. Фаргона вилояти Фаргона туманида жойлашган 4-сонли автомобилларга ёниғи қуйиш шохобчаси.
4. Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳар, Шосейнага қўнасада жойлашган 1 сонли автомобилларга ёниғи қуйиш шохобчаси.

Бошланғич баҳоси — 4139,8 АҚШ доллари.

Ҳурматли ишбилармон ва тadbиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг!

Биржа савдолари Республика кўчмас мулк биржасининг рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилнинг: Ташкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 йил, Республика Биржа маркази биноси, 3 қават, 44 хона.

Маълумот учун телефонлар:
136 26 26, 136 28 75.

Факс: 136 06 17
www.rkmb. exro. uz
Лицензия рақами: 000004

Мишароф МУҲСИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Хотира турнири

Абдукарим Йўлбарисов киска умр кўрди. Лекин у ҳайтида ўчмас из қолдириб. Қашқадарь вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган даврда ашаддий жиноятчини қўлга олиш пайтида мардларча халок бўлди.

ГОЛИБЛАР ФИЛИППИНГА БОРАДИ

Қарши шаҳридаги спорт соғломлаштириш мажмуида вилоят каратэ федерациясининг собиқ президенти марҳум Абдукарим Йўлбарисов хотирасига бағишланган республика очик чемпионати бўлиб ўтди. Икки кун давом этган хотира турнирида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 600 дан ортиқ спортчилар голиблик учун кураш олиб боришди.

намойиш қилдилар. Мусобақаларда болакайлардан тортиб кексаларгача иштирок эттишди. Биргина Қашқадарь вилоятининг ўзидан 250 нафар йигит-киз маҳорат кўрсатди. Тенгқурлари орасида қаршилик спортчилардан Нодир Хўжаев, Шоҳрух Панжиев, Шаҳбоз Ортиқов, Зулфия Ирисова, Шаҳбоз Аҳадов, Ихтиёр Шаропов, Ноил Каспўлатов, Унир Қизирғалиев, Бахтиёр ва Ерқин Раҳмонов, тошкентлик Фаррух Шухратов, сурхондарёлик Алишер Қиличов кабилар олтин ҳамда кумуш медалларга сазовор бўлишди. Умумжамоа ҳисобида қашқадарёлик спортчилар шохсуланинг энг юқорисига кўтарилишди. Улар яқинда ўтказилган мамлакат чемпионатида, «Атлант» кубоги (АҚШ)да ҳам яхши натижаларни қўлга киритган эдилар.


Иззат ХИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

ГИЛАМДА ПОЛВОНЛАР

Ўтган дам олиш кунлари «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуида кураш бўйича анъанавий турнир бўлиб ўтди. Еқилги, энергетика, геология ва кимё саноти ходимлари қасаба уюшма Марказий Кўмитаси Қўйма кубоғи учун бешинчи бор ташкиллаштирилган кураш турнирида шу соҳада меҳнат қилаётган 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган ҳаваскорлар гиламга чиқишди.

Касаба уюшма тадбири

Курашни жуда яхши кўраман. Чунки, кураш тушганинг бели бакуват, руҳи тетик бўлади, дейди навоийлик Яндош Ярашев. Жамоамиз бахсларда муносиб иштирок этди. Вакилларимиздан У. Саидов ва М. Норовлар барчадан кучли эканликларини исботладилар.



А. ЮНУСОВ



С. МАМАТҚАРИЕВ, А. АЗИМОВ, А. АЛИЕВ

Жиззах вилоят ўқувчилар саройида бўлиб ўтган «Еш устлар» танловы ёшларни миллий-маданий меросимиз билан яқиндан таништириш, халқ хунармандчилигининг барча турига бўлган меҳрини ошириш, кекса устлар иш услубини ўрганиш, уларни янада ривожлантириш, меҳнатга ижодий ёндашиш, ихтирочилик, ишбилармонлик фазилатларини шакллантириш, янги шакл ва услублар яратишга, ўзи яратган санъат асарларидан завқланиб билиш, хис этишни тарбиялаш мақсадига қаратилди.

Танловда 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган вилоят мактаб ўқувчилари, мактабдан ташқари муассасалар ва тўғрақ аъзолари катнашди. Иштирокчилар 15 та йўналиш бўйича ўзаро беллашдилар. Динқаса, нақошлик, каштакчилик, кулолчилик, пичоқчилик, заргарлик, зардўзлик сингари қадимий устачилик йўналишидаги асарлар кўчилида кизиқиб уйғотди. Кўчод ўймакорлиги бўйича Жиззах туманидаги 29-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Ж. Камолов, пичоқчилик бўйича Бахмал туманидаги 8-мактаб ўқувчиси С. Маматқариёв, дурдодорлик бўйича Жиззах шаҳридаги 14-мактаб ўқувчиси У. Фарҳодов, кулолчилик бўйича Фориш туманилик Д. Мавлоновлар биринчиликни қўлга киритиб, эсдалик совғалари ва вилоят ХТБнинг Фахрий ёрликлари билан тақдирландилар.

Мактабдан тайқари муассасаларда ўқувчилар саройи унда ёшлар дунёқарашини шаклланмоқда, камол топмоқда

бир тўғрақнинг ўз йўналиши бўйича тажрибали педагоглар томонидан қизиқари дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Улар орасида республика халқ таълими аълоиси А. Шодмоннов томонидан тузилган «Мактабдан ташқари таълим муассасаларида ташкил этилган иқтисодий йўналишидаги тўғрақ раҳбарлари учун тасвирнома», тўғрақ раҳбари Ф. Очилованинг «Еғиз соғломлаштириш оромгоҳлари қошида ташкил этилган тўғрақлар учун тузилган дастур», тўғрақ раҳбари Х. Сулаймоновнинг «Зардўзлик тўғраги машғулотлари дастурини кўрсатиш мумкин.

Ж. Тоиров, А. Абдуназаров сингари тўғрақ раҳбарлари замонавий технология асосида иш олиб бориб, ютуқларга эришмоқда. Яқинда ташкил этилган «Гунча-нихол» студиясининг бугун жуда кўпчилик билан бўлган вилоятда ўтказилган байрам тадбирларида мазкур студия бадиий чиқишлари билан фаол иштирокчи бўлиб келаётди.

А. АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири Суратларда: Жиззах вилоят ўқувчилар саройи катнашчилари фаолиятдан лавҳалар.

Бундан бир ой муқаддам Латвия пойтахти Рига марказидаги «Крон-вольда» боғида Мирзо Улугбек хайкали очилди. Бу дўст халқнинг хурмат-эҳтирими ва муқаддам заминимизда туғилган-ўзган бувоқ алломаларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасига эътифоз рамзи, муносиб баҳосидир.

Улугбек илм осмонида шундай ёрқин юлдузки, унинг ёғдуси энг олис манзилларни ҳам равшан этишга қодир. Филология фанлари номзоди Махмуд Назаров билан суҳбатимиз ана шу ҳақдадир.

Синфий манфаатлар нуктаи назаридан келиб чиқиб Ўзбекистон тарих албатта кишини қалтирди. Бунга Мирзо Улугбек тўғрисида қарама-қарши қарашлар яққол мисол бўла олади.

Темурийзода Шоҳруҳнинг етита ўғли орасида тўнғичи ва энг кўп кўрагани Улугбек эди. Унинг инилари Иброҳим Султон, Бойсунқур Мирзо, Сюрхатмиш, Жонқул, Жўки Мирзо, Муҳаммад Ёрди Мирзоларнинг бари ўттининг нари-берисиде дунёни тарқатиб кетган. Улугбекни мустанто этганда, Шоҳруҳдан тарқатган ўттиз бешта эркак зурриётнинг барчаси қирқ ёшга етмай нобуд бўлган. Шоҳруҳ зурриётнинг бундай ёлпасига «жавони марг» бўлишига сабаб деб ёган эди ўша давр муаррихи Давлатшоҳ Самарқандий «хукмдорнинг улуг пайғамбарзода сайидларнинг қарғишига учраганлигидандир».

Гап шундаки, 1446 йилги кексайиб қолган Шоҳруҳ набираси Султон Муҳаммад Мирзога қарши юриш бошлайди. Чунки, Султон Муҳаммад босбосининг ихтиёрига хилоф ўларок, унинг тасарруфидеги Ҳамддон, Исфандон ва Шерозни босиб олади, талончилик қилади. Шоҳруҳ қўшинининг таркибиде давлат ишларида нуфузли мавқега эга бўлган Гавҳаршодбегим билан Абдулатифлар ҳам иштирок этди. Босбосин катта куч билан келадиганини эшитган Султон Муҳаммад қочиб кетди. Шоҳруҳ бу ерга келган, қўзғалон айлдорларини тафтиш қилиб, жазога тортди. Чункини қаттиққўл Гавҳаршодбегимнинг қатъий талаби бўйича унга яқин нуфузли сайидлар ҳам қатл этилади. Бундай сайидзодаларни ҳар қандай катта гуноҳи бўлса ҳам, ҳатто Амир Темурдек жаҳонгир ҳам ўлдиршига ботина олмас эди.

Абдуларзоқ Самарқандийнинг «Матлаи садаин» асариде маълумот берилишича, Шоҳруҳ салтанатига доир қўлгина сиёсий масалалар Гавҳаршодбегимнинг назар-эътиборидан четда турмас эди. Чункини вилоятлар ҳокими тайинлаш, қўшинларга саркарда белгилаш, кимга қандай инъом бериш, кимни жазолаш масалалари ҳам унинг ихтиёрида эди. Жумладан, тарихчи Фасиҳ Аҳмад Хаёвфий ҳам Гавҳаршодбегимнинг назар-эътиборидан четда бўлиб қолмади. Хирот тахтини набираси Алауддавага байъат қилган ҳам ана шу жасур аёл эди. Қиқаси, Шоҳруҳ Мирзо ҳумронлигининг ички ва ташқи сиёсати Гавҳаршодбегимнинг қўлида эди. Бунинг таъсиридан шубҳасиз, Улугбек ҳам қўлқолган эмас. Шоҳруҳ Мирзо ўлимидан кейин шахзодалар ўртасида вужуда келган фисқу фужур ва қонли курашларнинг тепасида Гавҳаршодбегим турган. Ҳатто, 80 ёшда ҳам у ҳукматта қарши махфий музокаралар олиб борганлиги маълум бўлган, султон Абу Саид фармони билан 1457 йилда у қочиб ўлдирлади. Бу мураккаб шахс ва унинг давлат тўлимлари ёзувчиларимиз учун тарихий асар учун яшанига озуқа вази-фасини ўтати мумкин.

Бирок Улугбек ёшлигида бу онанинг эмас, тақдирнинг марҳамати билан катта ойиси Сароймўқоном (Бибихоним) тарбиясини олди. Гавҳаршодбегимнинг тарбиясига жиддий эътибор қаратган. Эҳтимомли, Улугбек сиймосида салтанат келажакини кўрган. Бу ҳақда тарихий хроник асарларда, тазкираларда маълумотлар борми?

1398-1404 йиллар оралигида Темур Тўркия султони Илтидрим Бозидга ва Миср султони Носириддин Фаража қарши юриш қилди. Бу жангларнинг ҳар икковиде ҳам Улугбек босбоси Амир Темур билан бирга бўлади. Гийсиддин Алининг «Рўномаи ғазовати Ҳиндистон» деб номланган асариде айтилишича, Темур Улугбекни Хитойга қўлган юришларида ҳам ўзи билан бирга олиб кетмоқчи бўлган. Бирок, саркарданнинг Утролдаги фавқулода ўлими бугун режаларини бузиб юборди.

Маълумки, сохибқирон Хитой юришидан у ой аввал Самарқанд яқинидаги Қончили ўланғида катта тўй-тантана ўтказган эди. Бу тўйда эндиғина 10 ёшни қораллаган Улугбек ва Иброҳим султонлар ўйлантирилди. Уларга қўшиб Темурнинг яна тўртта набираси Мирзо Жаҳонгир, Мирзо Бойқор (Умар Шайх Мирзонинг ўғли), Сайди Аҳмад ва Оламгир (Мирзоншоҳнинг ўғли)лар ҳам шу тўйда ўйлантирилди. Айтишларича, бу тўй-томосша қирқ кунгача давом этди. Тўйдан кейин Амир Темур Самарқандга келиб кенгаш ўтказди. Унда Сайрам, Испара ва Мўғулистон каби шаҳар ҳамда вилоятлар Улугбек тортиқ қилинди. У жуда ёш бўлишига қарамай, давлат кенгашларига,

Биз билган, билмаган тарих

қабул маросимларига киритилар, ҳаммаша босбосининг чап тизасида ўтирар эди. Тарихчи Гийсиддин Али ҳамда 1404 йилда Самарқандга келган Испания қиройи Генрих III (1379-1406)нинг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо бу ҳақда қимматли маълумотлар келтирган. Улар Улугбекни ўз қўларин билан қўрганлар. Демак, Темур Улугбекни қиқчилиғидан давлат ишларини бошқаришга тайёрлаб борган.

Темурнинг вафотидан кейин Улугбекнинг сиёсий ҳаётида қандай ўзгаришлар содир бўлди? Шахсан падарни Шоҳруҳ бу масалалар Улугбекка қандай шарт-шароитлар ярати берди?

Шоҳруҳ отаси вафот этганлиги тўғрисидаги хабарни Хиротда эштити. Бу, айни вақтда, темурийлар салтанатида бурилиш нуктаси эди. Темур вафот этган, пойтахт Самарқандни Халил

ятта учраб, Амударё бўйида Қалиф қалъасига яширинишга мажбур бўлади. Бу ташвишли воеқадан хабар топан амир Шоҳмалик Ироқ ва Озарбайжон устига – Қоракўсфга қарши курашини вақтинча тўхтатиб, Мовароуннаҳрга қараб йўл олади ва амир Нуриддин масаласини бир ёқлик қилиб, вазиғта ёқдинлик қиратилади. Лекин, афсуски, кўп ўтмай амир Шоҳмалик билан Улугбек ораси бузилади. Аввалдан Улугбекка отабеклик қилиб келган Шоҳмалик давлатнинг катта сиёсий масалаларини ҳам Улугбекдан бемаслаҳат қиладиган бўлади. Бир гап билан айтганда, у Улугбекнинг ички ишларига аралашшигача бориб етди. Улугбек Шоҳмалик таъсиридан қутулиш учун Шоҳруҳдан уни ўз ҳузурига қақриб олишни илтимос қилди.

Бундан Улугбек шох сифатида тахт вориси бўлиб, худди Темурдек ёки Шоҳруҳнинг ўзиде мустақил сиёсат юргизи олманган, деган ҳулоса чиқмайдими?

1411 йилга келиб Шоҳруҳ чиндан-да Шоҳмаликни ўз ҳузурига қақриб, ўғлини унинг василлиғидан озод қилди. Бирок Улугбек ҳеч қачон мустақил ҳукмдор бўлолмади. Чунки Шоҳруҳ ҳам Темурнинг ясоқ ва йўсинларига мувофиқ қўл остида нечта вилоят ва шаҳарлар бўлса, уларга қўйилган ҳокимларнинг бирортасини мустақил шох сифатида ҳаракат қилишга йўл бермас эди. Бир қарашда у тасарруфидеги мамлакатларни ўз ўғиллари, набиралари ва яқин қариндош-уруғлари билан бўлиши билан олгандек тўлқоса-да, аслида бу ерларнинг кўпчилиги сюрғол ва иқто тарзида нуфузли лашкарбоси амирларга, тархонларга, сайидларга ҳам инъом қилиб турилган. Уларнинг ортларидан эса назорат қилиб турувчи махсус кишилар тайинлаб қўйилган. Жумладан, форс ҳукмдори Абдулло Мирзо ҳузурига шайх Абдулқайри, Фарғона музофотида амир Музробин, Мирзо Қайдуша Шамсиддин Уқоронин, Мовароуннаҳрга амир Шоҳмаликни, кейинчалик Носируддин Ҳавофини васий қилиб қўйган. Бу василлар вақти-вақти билан марказга – Хирот ҳукмдори Шоҳруҳга ақборот бериб турганлар.

Абдуларзоқ Самарқандий ва Давлатшоҳ Самарқандийлар ва ҳокимларга қўлиб молиявий эркинлик бериламанлигини, улор даромадларининг бир қисмини марказий ҳукмат девоинига юбориб туришга мажбур эканлигини айтди. Улугбек ҳам Шоҳруҳнинг ҳарбий юришларида маълум микдор қўшинлари билан қатнашишга мажбур эди. Улугбекка Шоҳруҳ империясининг шимолий сарҳадларини душманлар ҳуружидан сақлаш вази-фаси ҳам юклатилган эди.

Улугбек 1427 йили Оқўрда хона Бороқонга берахтаси юриш қилиб енгилгани тўғрисида Шоҳруҳ жуда қаттиқ тағтишлар ўтказганди. Аслида ҳам ақвол анча ташвишли эди. Темурнинг вафотидан кейин мўғуллар Қашгарда ўз мавқени тиклаб, Мовароуннаҳр сарҳадига бўлаётган ҳокимият талашқуварлига ҳам аралашадиган одак чиқарганлар. 1414-15 йилларда Фарғона ҳокими Мирқасим Аҳмад Улугбекка бўйсунушдан бош тортиб, мўғул ҳукмдорларидан Саид Аҳмад қўмағига суяниб иш қуроқчи бўлади. Бундан газабланган Улугбек Андижонга қарши юриш қилганда эса, Мирқасим Аҳмад Мўғулистонга қочиб қолади. Қиқаси, Улугбек узоқ тайёгарликдан сўнг 1524 йилда Мўғулистонни бўйсундиради. Бирок бу галаба узоққа чўзилмади. Мўғул хонлари 1428 йилда Қашгарни бутунлай Темурийлар тасарруфидан чиқариб оладилар.

(Давоми бор)

НАФОСАТ АЙЁМИ

Тоғлар юрти Бойсуннинг ЮНЕСКО томонидан «Инсоният озғани ва маънавий мероси дурдонаси» сифатида эътифоз этилган дунёнинг 19 та гўшасидан бири эканлиги кишида фаҳр туйғусини уйғотди. Бу йил ҳам анъанавий тарзда ўтказилаётган «Бойсун баҳори» очик фольклор фестивалига қизгин тайёгарлик бошлаб юборилди. Фестивал учинчи мартаба етти иқлимдан ташриф буюрадиган меҳмонларга, фольклор дасталари ва бахши-оқинларга ўз қучогини очди. Илдизи олис мозиёдан озик олган халқона кўй-қўшиқлар, бадиий хунармандчилик намуналари орқали миллий-маънавий меросимиз яна қайтадан буй қўрсатади.

Баҳорий либосларга бурканган Бойсунда ўзгача файз, ўзгача тароват кезиб юрибди. Фестивал бўлиб ўтадиган «Алпомиш» мажмуаси ва «Амфитеатр»да катта ҳозирлик қўрилмоқда. Майдонлар атрофида турли гул, манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтказилиб, тозалик ва ободончилик ишлари давом эттирилмоқда. Утовлар тикилиб, анвойи гуллар, сўзаналар ва зардворлар билан безатилаетир.

Белгиланган чора-тадбирлар асосида туман ҳокимлиги, республика Бадиий академиясининг вилоят бўлими, маданият ишлари бошқармаси ҳамда сайёҳлик ва экскурсия бюроси вакиллари ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Тадбир савиясини олдинги йиллардагидан-да юқори даражага кўтариш ниятимиз бор, дейди биз билан суҳбатда фестивални ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси Темур Шукуров.

Бойсундаги нафосат байрамига ер юзининг 30 дан ортиқ давлати ва мамлакатимизнинг турли бурчаларида халқ дасталари, бахши-оқинлар, созаданлар, мусиқашунослар ва фольклоршунослар-тарихчилар ташриф буюриши қутулмоқда. Унда фольклор дасталари ўртасида беллашувлар ва либос дизайнерлари танловлари бўлиб ўтади.

Бундай гўзал байрамнинг ташкил этилишида ўзига хос маъно-мазмун бор. Унинг миллий қадриятларимизни, халқ амалий санъатини тарғиб қилишдаги ҳиссаси бекиёс бўлаётганига тўла ишонч ҳосил қилаётимиз. Хар йили халқ озғани ижодининг, қадимий санъатимизнинг рангбаранг қирралари кашф этилмоқда. Энг мумҳими, уларда юксак умминсоний қадриятлар ва ўзбекона нафис талқин ўз мўжассамини топан, дейди фестивал совриндори, Ўзбекистон халқ бахшииси Шоберди Болтаев.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири

Янги ўқув йилига ҳозирданок тайёгарлик ишлари бошланиб кетди. Янги ўқув режалари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини ҳам чоп этишга киришилмоқда.

«ҲАЁТИЙ КЎНИКМАЛАР»

«Ҳаётини кўникмалар» дастури лойиҳаси ҳам юзага келди. Уни амалга ошириш тадбирлари қўрилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ болалар жамғармаси билан республика таълим маркази ҳамкорлигида қатор амалий тренинглор ўтказиш ҳам режалаштирилди.

Босқичма-босқич амалий тренинглор уюштириш жараёнида республика мактаб ўқитувчилари орасидан миллий тренералар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Ҳаётини кўникмалар дастури лойиҳаси доирасида ҳоржий мактаблар билан тақриба алмаштириш тадбирлари ҳам қўрилди.

Янги ўқув йилида ўқувчиларга тақдим этиладиган дарсликлар бўйича услубий тасвирномалар яратиш устида ҳам қизгин ишлар олиб боришмоқда.

А. АЛИЕВ

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноти ходимлари қасаба уюшма Марказий қўмитаси Марказий қўмитанинг Сирдарё вилоятидаги вакили Тохир Умарқўлов отаси

Жўра ота УМАРҚУЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чқур таъзия изхор қилади.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эрқин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди -

Максимум: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134. Ўзбекистон Матбуот ва ақборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютериде териди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда. «Шарқ» нашрийт-матбаа ақциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.